

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Э.Мадраҳимов Тартибланган статистикалар учун концентрация функциясининг баҳолари	5
В.Т.Samatov, U.B.Soyibboev, U.A.Mirzamahmudov Иккинчи тартибли дифференциал ўйинлар	12

КИМЁ

И.Р.Асқаров, А.С.Хожиқулов Йод танқислигини бартараф этишда ишлатиладиган дори воситалари ва уларнинг кимёвий таркиби.....	19
Ш.Ш.Турғунбоев, А.Х.Хаитбаев Бетулон кислотасини синтез қилиш	24
Д.Т.Хасанова, И.Р.Асқаров Пивони кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш	29

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

В.Махмудов Маданийлаштириш шароитларида <i>Agropyron Cristatum</i> (L.) Beauv. нинг катта ҳаётий цикли.....	36
М.Холиқов, Ё.Ахмедова Қора калхат (<i>milvus migrans</i>)нинг Фарғона водийсида ҳаёт цикли ҳақида.....	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

М.Исағалиев, М.Обидов, Р.Матҳолиқов Доривор <i>sarparis spinos</i> нинг морфогенетик ва биогеокимёвий хусусиятлари	45
Н.Ж.Халилова Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари	49
А.Турдалиев, К.Асқаров, Н.Ходжиболаева Суғориладиган тупроқларда лантаноид ва радиоактив элементларнинг геоэнергетик хусусиятлари	52

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Э.Мўйдинов, З.Таджибаев, А.Мирсодиқов, М.Мўйдинов Кластер: назария ва амалиёт	57
А.Мирсодиқов Худудларда хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий асослари	62

ТАРИХ

Э.Раҳмонов Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини ҳимоялаш сиёсати: муаммолар ва илк натижалар (1991-2000 йй., Фарғона водийси мисолида).....	65
А.Азизов Фарғона водийси аҳолисининг уй ҳайвонлари билан боғлиқ тасаввурлари (қўй мисолида).....	69
Б. Усмонов Темурийлар даврида Фарғона боғдорчилиги	73
С.А. Хошимов Миллий сиёсий муҳолифатга қарши тазйиқ ва таъқиблар	76
Р.Х.Максудов Музей – халқ тарихининг кўзгуси	80
О.А. Кличев Бухоро амирлигида элчиларни кутиб олиш тартиби (xix асрнинг иккинчи ярми - xx аср бошлари).....	83
О.В.Маҳмудов Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар (I қисм: аниқ фанларга оид китоблар).....	87

Кластер: назария ва амалиёт
 Кластер: теория и практика
 Cluster: theory and practice

Э.Мўйдинов, З.Таджибаев, А.Мирсодиқов, М.Мўйдинов

Аннотация

Мақолада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг инновацион шакли бўлган кластер назарияси, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ташкиллашдаги афзалликлари, хориж тажрибаси ҳамда унинг шаклини Ўзбекистонда пилот лойиҳа сифатида жорий қилиш масалалари ёритилади.

Аннотация

В статье рассматривается теория кластера — инновационной формы производственно-хозяйственной деятельности и сферы услуг, его преимущества в организации производства и оказания услуг, зарубежный опыт, а также внедрение этой формы в Узбекистане в качестве пилотного проекта.

Annotation

The article discusses the theory of clusters, the innovative form of production and service, the advantages in organizing production activities, foreign experience and accomplishing its form as a pilot project in Uzbekistan.

Таянч сўз ва иборалар: кластер, кластерлаштириш, рақобатбардошлик, кластер стратегияси, илмий-тадқиқот марказлари, пахта-тўқимачилик кластерлари.

Ключевые слова и выражения: кластер, кластеризация, конкурентоспособность, кластерная стратегия, научно-исследовательские центры, хлопково-текстильные кластеры.

Keywords and expressions: cluster, clusterization, competitiveness, cluster strategy, research centers, cotton-textile clusters.

“Кластер” атамаси инглизча сўз бўлиб, “боғлам”, “гуруҳ”, “тўпланиш” маъноларини билдиради. Кластер назариясининг асоси бўлиб, таниқли инглиз иқтисодчиси Альфред Маршалнинг XIX аср охирида ёзилган “Иқтисодий билим асослари” номли асаридаги ихтисослашган тармоқ соҳаларининг алоҳида ҳудудларда уйғунлашиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳисобланади.

“Кластер” атамаси америкалик иқтисодчи, Гарвард мактаби профессори, рақобат имкониятларини ўрганиш бўйича мутахассис Майкл Портер томонидан илк бор қўлланилган.

У, кластерга географик жиҳатдан қўшни бўлган, бир-бири билан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш юзасидан боғланган, муайян бир соҳада фаолият олиб борадиган ҳамда бир-бирининг ишини тўлдирадиган корхона ва ташкилотлар бирлашмаси сифатида таъриф берган.

Сўнги йилларда инновацион фаолият, ахборот-коммуникацион, мобил қурилмалар, микроэлектроника, компьютер ва иқтисодий кибернетика соҳаларида технологик ўсишга олиб келди. Ана шу барча тармоқлар ўзаро боғлиқ бўлиб, нафақат саноат корхоналарида, балки алоҳида мамлакатлар ҳудудида кластер тизимининг шакллана бошлашига олиб келди. Ишлаб чиқариш соҳасининг бир ерга жамланиши эса инвестиция

қўйилмаларини самарали сарфлаш имконини беради.

М.Портер жаҳон савдосида асосий ўринда бўлган мамлакатларнинг рақобатда устунлигини ўрганиб, “миллий бойлик, тараққиёт мерос бўлиб қолмайди – у янгитдан яратилади” ва “миллий даражада рақобатбардошлик ягона, яқдил концепция – бу, меҳнат унумдорлигидир”, деб таъкидлайди.

Энг юқори меҳнат унумдорлиги инновацияни доимий жорий этиб борадиган ва яхши ташкилланган фирмаларда кузатилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, рақобатбардошликни оширишнинг энг муҳим омиллари фақат инновация ва ахборотгина эмас, балки корхоналарнинг ўзаро алоқалари ҳам кластерларни амалга ошириш имкониятларини яратувчи таркибий тузилма бўлиб хизмат қилади.

М.Портернинг фикрича, мамлакатлар (ҳудудлар) рақобатлашмайди, балки бутун фирмалар рағбатлашади, давлат ва унинг маҳаллий органлари эса фирмаларга рақобатбардошликни амалга ошириш учун шароит яратиб беради, қўллаб-қувватлайди ёки, аксинча.

М.Портер томонидан маъқулланган “рақобат”нинг рақобат устунлигини таъминловчи қуйидаги бош масалани ўз

Э.Мўйдинов – ФарДУ, иқтисод фанлари номзоди, доцент.
 З.Таджибаев – ФарДУ, иқтисод фанлари номзоди, доцент.
 А.Мирсодиқов – ФарДУ режа-молия бўлими иқтисодчиси.
 М.Мўйдинов – ФарДУ, иқтисодиёт йўналиши талабаси.

ичига олади:

1. Омиллар учун шароитлар

Рақобатбардошликни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш омиллари; малакали ишчи кучларининг мавжудлиги; табиий ресурслар, интеллектуал ресурслар (илмий, техникавий, маркетинг ва бошқа); капитал ва инфратузилма (транспорт, коммуникация, соғлиқни сақлаш ва турмуш сифати бўйича бошқа омиллар) бўйича мамлакатнинг тутган ўрни.

2. Талабнинг ҳолати

Ички бозорда маҳсулотга бўлган талабнинг хусусиятлари (мавжуд бозорнинг ўзгариши ва сифати, талабнинг ҳажми ва ўсиш даражаси, жаҳон бозорида талабнинг ўсиб бориш тенденциясига мослиги ва б.)

3. Турдош ва ҳамкор соҳалар

Мамлакатда халқаро даражада рақобат бардошликни таъминловчи ва қўллаб-қувватловчи соҳаларнинг бор ёки йўқлиги.

4. Барқарор стратегия, таркиб ва ўзаро иш қўриш

Мамлакатда компанияларни ташкил қилиш ва бошқариш, шунингдек, ички рақобат хусусиятлари бўйича шароитлар яратиш.

5. Тасодифий ҳодисалар (фирма раҳбарлари назорат қила олмайдиган ҳодисалар, масалан, ёнғин, табиий офатлар).

6. Давлат сиёсати.

Давлат “Портер ромби»да катализатор ролини амалга оширади (компанияларни рақобат самарадорлигини оширишга рағбатлантиради, юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларга талабни ташкиллашга шароит яратади ва бошқа).

М.Портернинг таъкидлашича, рақобат устунлигининг давомийлиги ташқаридан эмас, балки ички бозорда яратилади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи ўринда ички талаб миллий иқтисодиётда драйвер ролини бажаради.

М.Портернинг дўсти М.Энрайт иқтисодий адабиётга “минтақавий кластер” тушунчасини киритди, унинг фикрича, мамлакатнинг рақобат устунлиги минтақа даражасида яратилади. Минтақа иқтисодиётининг ривожланиш тарихига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг бизнес юритиш маданиятининг турли-туманлиги,

ишлаб чиқаришни ташкиллаш, маълумот олишнинг ўзига хослигига эътибор қаратди. Минтақавий кластерга саноат кластери сифатида аниқлик киритиб, унда кластер аъзолари, фирмалар географик жиҳатдан уюшган бир ёки бир неча соҳаларда ишлаётган фирмалардан иборатлиги кўрсатилди.

Ривожланган мамлакатлар, жаҳон тажрибасининг ишончли кўрсатишича, турли кўринишдаги кластерларнинг келиб чиқиши эҳтиёж ва зарурият юзасидан келиб чиққан ва шунга кўра у самаралидир. Сўнги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида кластерларнинг шаклланиши минтақа иқтисодини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатдан энг муҳим концепцияси бўлиб хизмат қилмоқда.

Кластерларнинг асосий устунлиги “Драйвер самараси” бўлиб, компаниялар ўзларининг натижалари билан кластердаги бошқа компаниялар эришган “ютуқлари” билан солиштириш орқали рақобатга киришадилар, натижада, барча бизнес фаолият соҳаларида самарадорликка эришишни рағбатлантиради. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, кластер ёндашуви давлат ҳокимияти билан бизнес вакиллар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини олиб боришга асос бўлади. У хусусий, сектор, давлат, савдо бирлашмалари, тадқиқотчи ва ахборотлаштирувчи корхоналар ўртасида эришган инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Кластер ёндашуви дастлаб рақобатбардошлик муаммоларини тадқиқ қилишга қаратилган бўлса, кейинчалик бошқа катта доирадаги масалаларни ҳал қилишга олиб келди, яъни:

1. Давлат, минтақа, тармоқларда рақобатбардошликни таҳлил қилишда;

2. Умумдавлат саноат сиёсати асоси сифатида;

3. Минтақани ривожлантиришнинг дастурини ишлаб чиқишда;

4. Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг асоси сифатида;

5. Йирик ва кичик бизнеснинг ўзаро ҳаракатланиши асоси сифатида.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг яққол кўрсатишича, турли соҳаларда кластерларнинг вужудга келиши замон талабидан келиб чиққан объектив

ИҚТИСОДИЁТ

қонуният бўлиб, у самарадорликка олиб келади.

Сўнги вақтларда кўпчилик мамлакатларнинг минтақавий ривожланишида назарий ва амалий жиҳатдан концепцияга айланмоқда, минтақавий ва ҳудудий миқёсдаги кластерлар кенг кўламда намоён бўлмоқда.

Кластер иқтисодий сиёсати доирасида нафақат устун минтақаларга эътибор қаратиш, балки тарқоқ ҳолда жойлашган ресурслар ва дастурларни ўзаро боғлиқ тармоқларни нисбатан рақобатлаштиришга минтақа доирасида ташкиллашга олиб келади. Асосий ғоя фирмалар ўртасидаги ўзаро алоқани мустаҳкамлаш, минтақада инновация ва иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида кластерга кирувчи фирмалар, ташкилотлар ўртасида тўсиқларга барҳам бериш орқали максимал даражада самарадорликка эришиш йўлидаги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш. Кластерда ўзаро ҳамкорлик, ташкилий, инновацион технологиялар, янги бизнеснинг вужудга келишини рағбатлантириш оқибатида меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келиб, иш ҳақини ҳам ошириш имкониятини беради. Алоҳида корхоналарда учратиш мумкин бўлмаган элементлар – сифат, тизим хусусиятлари ва бошқалар кластерларда мужассам бўлганлиги фирмалар ихтисослашувини, ишлаб чиқариш концентрациясини, кооперация ва рақобатни кучайтиради. Кластерга кирувчи субъектлар, корхоналар, фирмалар манфаатдорлиги салмоқли аҳамият касб этади.

Бизнес ва ҳудудни ривожлантиришнинг кластер ёндашуви бўйича жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, кластер сиёсати асосида мамлакат иқтисодиётининг инновацион йўлга ўтиши, мамлакатлар рақобатбардошлигини оширишнинг миллий моделини яратишни кластер номи билан ишлаб чиқаришнинг янги такомиллашган шаклини кенг жорий қилишдан иборат. Турли таркибий тузилишдаги мамлакатлар ҳокимият органлари бу “Инновацион ривожланиш институтини” – кластерни амалга оширишда ўзига хос хусусиятларга эга.

Масалан, АҚШда мамлакат иқтисодиётининг устун тармоқларини тадқиқ қилиш натижасида шаклланган “миллий

инновацион мулк” концепцияси, “Технологияни инвестициялаш – бу, Американинг келажагини инвестициялаш”, деган илмий-техникавий сиёсати амалга оширилди, бунда давлат органлари кластерлаштириш жараёнини тезлаштиришга, рағбатлантиришга бош бўлди, манфаатдор томонларни бирлаштириб, уларга молиявий ёрдамлар кўрсатди.

Франция XXI аср бошида мамлакат рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш мақсадида инновацион жараёнларни ва илм талаб технологияларни рағбатлантириш курсини эълон қилди. Иқтисодиётнинг инновацион секторини шакллантириш, ривожлантириш каби турли йўналиш бўйича иқтисодий стратегия шакллантирилди. Француз давлати ташкилотчилик, координатор ва бош инвестор ролини бажариб, рақобатбардошликни оширишнинг миллий андазаларини амалга оширишда бош ролни ўйнади.

Европа Иттифоқи мамлакатларини муваффақиятли кластерлаштириш “Лиссабон стратегияси” асосида иқтисодий ва таркибий ислохотларни амалга ошириш, Европа Иттифоқи иқтисодиётининг инновацион ривожланиш йўналишларини рағбатлантириш, Европа Иттифоқи мамлакатлари минтақавий кластерни ривожлантириш сиёсати орқали амалга оширмоқда.

Ҳозирги даврда Европа Иттифоқи 2000-2010-йилларга мўлжалланган “Лиссабон стратегияси”дан “Европа 2020” иқтисодий стратегиясини амалда қўлламоқда, у, иқтисодий ўсишга ва янги ишчи ўринларини яратишга қаратилган.

Шубҳасиз, кластерлаштириш орқали умуман Европа Иттифоқи юқори рақобатбардошликка эришиш йўлини тутмоқда.

Кластернинг самарали ривожланишини “учлик спирали” номини олган бизнес, давлат, илм-фан ҳамкорлигисиз тасаввур қилиш қийин. Бу моделни амалга оширишда ҳамма иштирокчилар фаол иштирок этишлари шарт, акс ҳолда инновацион иқтисодиётни амалга ошириш мумкин эмас. Учликнинг ҳар бири яқдил сифатида интилмоғи шарт, манфаатдорлик инновацион кластерни ривожланишига олиб келади. “Учликни” бошқариш инновацион

ҳамкорлик асосида, минтақавий ҳамкорлик асосида амалга оширилади. Муҳокама этилаётган масалалардан бири – кластерларни шакллантиришда давлатнинг роли ва шаклланган кластерлар фаолиятида унинг қатнашиш даражаси масалаларидир. Бу масала бўйича К.Кетельснинг (М.Портернинг издоши, Европа минтақа ва мамлакатларнинг рақобатбардошлиги тадқиқоти муаллифи) фикри қуйидагича:

1. Потенциал кластер иштирокчиларини ривожланиш истиқболларини давлат танламаслиги шарт.

2. Давлат кластерларни шакллантириши ва қўллаб-қувватлаши мумкин.

3. Давлат кластер таркибида иштирок этиши, керакли тавсияларни бажаришга доим тайёр бўлиши, ахборотни тақдим қилиш йўлларни очиб бериши лозим.

Мазкур концепция маълум даражада Европада маъқулланди, лекин кластерларни шакллантириш жараёнига қай даражада аралашуви ҳар бир мамлакат иқтисодиётидан келиб чиқиб амалга оширилиши керак, деган фикр мавжуд. Давлатнинг инновацион кластерларни шакллантиришда уч томонлама роли муҳим аҳамият касб этади. Бошқарувчи сифатида (барча элементлар ўртасидаги – давлатнинг ўзи, бизнес ва илм-фан таркиби) учликнинг ўзаро ҳамкорлиги қоидаларини белгилаш.

-Инвестиция, инновация ва горизонтал бизнес алоқаларининг ривожланишини кафолатловчи;

- Тадбиркор (саноат кластерларининг бевосита иштирокчиси ва корхоналар эгаси).

Кластер сиёсатида энг муҳим масала давлатнинг аралашув даражаси ҳисобланади, бунда кластерлар табиий йўл билан ривожланади, “маъмурий ресурслари асосида” яратилмайди, шунинг билан бирга давлат томонидан химоя қилинмаса яшай олмайди.

Давлат ва бизнес ўртасидаги манфаатдорлик инновацион кластерни амалга оширишда катта самара беради.

1. Минтақа макроиқтисодий муҳитида кластерлар таркибий қисми сифатида фаолият юритади ва олдиндан қатнашувчи омиллар - тарихий-маданий мерос, минтақанинг географик ҳолати, институционал-ҳуқуқий бошқарув,

макроиқтисодий муҳит муҳим аҳамият касб этади.

2. Кластерлар, шунингдек, бизнес-модел инновацион стратегияни жорий этувчи – энг фаол тадбиркор фирмалар биринчи навбатда “пастдан юқорига” шаклланади. Алоҳида фирмаларнинг шундай ҳаракатлари бозор механизмининг таркибий қисми бўлиб, улар ўзаро мувофиқлаштирилган.

3. Кластерларни ривожлантириш бўйича (“пастдан юқорига” ва “юқоридан пастга”) баланс тизимини жорий қилиш иккита асосий инструмент орқали амалга оширилади – кластер ташаббуси (минтақаларда кластерларни амалга ошириш дастурини рағбатлантириш);

Кластер сиёсати (давлат ташкилотлари томонидан кластерни шакллантириш ва ривожланишини қўллаб-қувватлаш).

Шуни таъкидлаш муҳимки, кластер ташаббуси билан кластер сиёсатининг уйғунлиги самарали равишда кластер таркибий тузилишини вужудга келтиради. У, бир томондан, мамлакат иқтисодий стратегияси талабларига жавоб бера олади, иккинчи томондан ўзгариб турадиган бозор шароитида мустақил равишда рақобатлаша олади.

Дунёда йигирма йилдан ортиқ даврда кластерларни шакллантириш ғояси амалга оширилмоқда, кластер инновацион имкониятларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган, минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда, рақобатбардошликни таъминлашда, хомашё етказиб беришдан инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишда асосий йўл ҳисобланади.

Бугунги кунда кластер назарияси ички худудий ривожланишда энг самарали йўл сифатида АҚШ, Япония, Германия, Швеция, Финландия, Нидерландия ва бошқа мамлакатларда кенг жорий этилмоқда.

Чет эллик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, иқтисодиётнинг амалий жиҳатдан фаоллиги, молиявий манбаларнинг етарли бўлиши, ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги минтақавий кластерларни амалга оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Кластерларнинг тармоқлар бўйича йўналиши асосий капиталнинг ривожланганлик даражасига, ишлаб чиқариш базасининг етарлилиги ва

ИҚТИСОДИЁТ

инновацион жозибаторлигига боғлиқдир. Масалан, Ҳиндистонда тиббиёт, фармацевтика соҳасига ихтисослашган кластерлар кенг тараққий этган. АҚШ да тиббиёт соҳасига ускуналар, биотехнологиялар, фармацевтика бўйича ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик кластерлар фаолият олиб бормоқда, Швеция ва Данияда биотехнология халқаро инновацион кластер соҳасида олиб борган тадқиқотлари ва изланишлари бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Франция ва Италияда нанотехнологияларга ихтисослашган йирик инновацион кластерлар фаолият кўрсатиб келмоқда, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Умуман олганда, минтақавий раҳбарият тузилмалари минтақанинг стратегик ривожланиши учун, албатта, инновацион кластерлар фаолиятини ташкил этиши шарт, бундай сиёсатни амалга ошириш учун аҳамият берган ҳолда иқтисодий жиҳатдан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ. Кластерларнинг ривожланиши бўйича юқорида келтирилган назарий ва амалий ахборотдан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда инновацион кластерларни жорий қилиш, ташкил этиш мумкинми, кластерлар сиёсати, кластер имкониятлари қандай, деган савол туради.

Президент қарорини амалга оширишда юқоридагиларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда кластерлаштиришга мамлакатда иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда 2017-2018 йилларда пахтачилик агросаноат мажмуаси бўйича кластерлаштириш сиёсати амалга оширилмоқда. 2018-йилда республикамиз вилоятларида дастлаб ташкил этилган кластерлар яхши натижаларга эришди. Мисол учун, 2018 йилда Фарғона вилояти Риштон туманида 6245 гектар майдонда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни

ташкил этишнинг кластер шакли жорий этилди ва у яхши натижалар кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 744-сонли қарори соҳада ихтисослашган кластерни ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. 2019 йил бошида бу соҳа бўйича барча вилоят ва туманларда 161 та “пахтачилик-тўқимачилик” ихтисослашган кластерни ташкиллаш сиёсати амалга оширилмоқда. Бу жараёни амалга ошириш имкониятлари мавжуд ва, албатта, катта ижобий натижалар олиб келиши кутилмоқда.

Ўзбекистон учун кластерли ёндашув мутлақо янги бўлганлиги туфайли кластерни ташкил этишнинг ташкилий муаммоси кластерга кирувчи ташкилотларнинг ўзаро ҳаракатлари ва кооперациясини кучайтириш зарурлигидир.

Услубий жиҳатдан кластерни шакллантиришда кластерлаштириш имкониятларини баҳолаш, аниқлаш, кластернинг таркибий тузилишини белгилаш ва асослашни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон шароитида “пахтачилик-тўқимачилик” кластерини шакллантиришнинг бош мақсади етиштирилган пахта толасидан истеъмолга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ўз ичига олади, агросаноат интеграциясини чуқурлаштиради. Энг муҳими, инновацион технологияларни ҳамкорликда жорий қилиш билан иштироки корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширишга, янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради.

Кластерлар инновациялар жорий қилишни тезлаштириши бир қатор мамлакатлар тажрибасидан маълум, инновациялар жорий қилиш, шубҳасиз, охир-оқибат меҳнат унумдорлигини оширади ва бу, ўз навбатида, фаолият кўрсатаётган барча ходимларнинг даромадини оширишга олиб келади.

References:

1. Porter M. Mejdunarodnaya konkurentsija: konkurentniye preimushestva stran / per.s. angl. – M.:Mejdunarodniye otnosheniya, 1993.
2. Kalyujnova N. Ya. Konkurentosposobnost rossijskih regionov v usloviyah globalizatsii. – M.:TEIS, 2003
3. Marshal A. Principles of Economics. Variorum edition overseen be C.Guillebaud. -L.: McMillanress, 1961.
4. Klaster – raqobatni kuchaytiruvchi omil//www.biznes-daily.uz, 20.07.2017

(Тақризчи: М.Адҳамов – иқтисод фанлари доктори, профессор)